

МАЬНАВИЙ ХАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЬНАВИЙ-МАБРИФИЙ, ИЛМИЙ ОММАБОЛ ЖУРНАЛ

№1, 2017





ТАБИБЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МАДАНИЯТИ

ХУРШИД ЖУМАНАЗАРОВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих
институти катта илмий ходим-изланувчиси

Халқ табобати одамларнинг касбий ютуқлари, ўсимлиқ ва ҳайвонот оламини кузатиши ҳамда кундалик тажрибалар натижасида юзага келадиган эмпирик билимлар йиғиндисидир. Шу боис, табобат анъяналарини ўрганиш, ютуқларидан фойдаланиш замонавий тиббиёт вакиллари учун ҳам долзарб. Қадимий даволаш усулларига катта эътибор қаратилиши шундан¹.

Бугунги кунда табиблик тушунчаси тиббий тажрибалар ва илмлар билан ҳамоҳанг шаклланиб, соҳанинг бир бутунлигини таъминловчи омилга айланмоқда. Бу омилни тадқиқ қилишда

тиббий асарлар, табибларнинг хотира-эсадалик китоблари ҳамда этнографик тадқиқотлар мухим аҳамият касб этади.

Табиб атамасининг маъноси ва тарихи борасида тарихий ва тиббий адабиётларда маълумотлар кўп. Адабиётларда «ҳаким» атамаси ҳам учрайди. «Табиб» сўзининг асоси арабча «тиб» бўлиб, «даво» маъносида ишлатилади. «Ҳаким» эса «ҳикмат» сўзидан олинган бўлиб, «донишмандлик», «донолик» маъноларида қўлланган². Араб тилида саломатликни асраш, даволаш ва дори-дармон билан боғлиқ амалиётни ифодаловчи сўз «табобат» дейилади. Сўзниң ўзаги арабча «табба» феъли бўлиб, «даволаш» деган маънони билдиради³.

Туркий халқларда табиб маъносини англатувчи «отачи», «эмчи», «атасағун» сўzlари бўлган⁴. Улардан фақат «эмчи» кенг истеъмолда сақланиб қолган. Жумладан, «эмчи» қалмоқ, корақалпоқ, қозоқ халқлари табобатида учрайди.

¹ Алляров Х. История народной медицины Средней Азии.. Автореф. дис. ... докт. мед. наук. М. 1993. С. 3.

² Сейфулмулуков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. 1928. № 9-10. С. 64.

³ Бу ҳақда батафсил қаранг: Ҳамроев М. Тиббиётми? Табобатми? // Шарқ табобати. 2009. №3.19-бет

⁴ Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит турк. Т. 1960. Т. I. 71-114-бетлар.

Халқ табобатининг ўзига хослиги шундаки, қадимда табобат билан нафақат шу соҳада маҳсус таълим олган шахслар, балки бошқа қасбдагилар ҳам шуғулланган. Масалан, сартарош, темирчи, ошпазлар жарроҳлик, қон олиш, массаж қилиш, тиш суғуриш, хатна қилишин яхши билган. Булар халқ томонидан алоҳида эъзозланиб, «уста»⁵ деб номланган.

Табиб физика, кимё, биология, география, астрономия, минералогия, психология сингари фанлардан хабардор бўлиши лозим бўлган. Шунингдек, табибининг фазилатлари, маънавий қиёфаси ва ахлоқига кўйилган талаблар ҳам борки, улар табиблик маданиятини ташкил қиласди.

Абу Бакр Розий бундай деб ёзган эди: «Тиббиёт илми жуда узок асрлар давомида ривожланиб, такомиллашди. Бунда мингларча буюк табибларнинг хизмати бор. Шунинг учун ким уларнинг асарларини қунт билан ўқиса ва моҳиятини англаса, ўзининг қисқа умрида жуда кўп йиллар аввалги қасалларни кўздан кечириб, орттирган тажрибаларига нисбатан кўпроқ нарсани билиб олиши мумкин. Чунки бир киши, ҳатто минг йил умр кўрса ҳам, ўзидан илгари ўтган олимларнинг тажрибаси билан таниш бўлмаса, факат ўз кузатувлари билан тиббиёт илмини етарли даражада эгаллай олмайди»⁶.

Шарқда аксарият табиблар қасбини давом эттиришга қузи етган, энг билимли шогирдига васият қолдирган. Табобат тарихига назар солсак, айрим табиблар энг севимли шогирдига бағишлиб асарлар ёзганини кўрамиз. Абу Бакр Розий бухоролик йирик олим Муҳаммад ибн Юнусни ниҳоятда ҳурмат билан тилга олади ва ўзининг кимёга оид энг йирик асарларидан иккитасини унга бағишлийди.

Навоийнинг таъкидлашича, табиб «уз фанининг моҳир билимдони бўлиши керак. У мулойим сўз ва бемор кўнглини кўттарувчи, андишали, хушфөйл бўлмоғи лозим»⁸.

Гиппократ ҳам табибининг уч қуроли бор деб, аввало ширин сўзни тилга олган, кейин тиф ва шифобаҳш гиёҳларни келтирган⁹. Табибининг муомала маданияти нафақат хасталикни ёнгинаш, балки мижозлари кўпайишига ҳам хизмат қиласди.

Табобатнинг ўзига хос томони ҳақ олиш масаласидир. Ҳақ белгилашда қасалликнинг тури, даволаш муддати, табибининг меҳнати ва беморнинг моддий аҳволи ҳисобга олинади. Аёллардан ҳақ олишда эрининг даромадига қаралган¹⁰.

⁵ Мўминова Г. Халқ табобати тарихидан //Сиҳат-саломатлик. 1999. № 1. 19-бет.

⁶ Қодиров А. Навоий ва тиббиёт. Т. 1991. 7-бет.

⁷ Каримов У. Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн». Т. 1957. С. 29, 43.; Ўша муаллиф. Шарқшунослик институтида кимё тарихига оид манбаларни ўрганиш // Шарқшунослик. 1993. № 4.49-бет.

⁸ Қодиров А. Ўша асар. 6-бет.

⁹ Жураев А. Халқ табобати. Т. 2008. 78-бет.

¹⁰ Пармонов С. Қадимги шарқ табобати // Сиҳат-саломатлик. Т. 1999. № 3. 23-бет.

¹¹ Хаммурапи (мил. авв. 1792– 1750)-қадимги Бобил подшоси. Тарихда қонунлар тузувчи ҳукмдор сифатида тилга олиниади. Унинг қонунлари ҳамма қатлам учун бирдек мажбурий ва қатъиyllиги билан ном қозонган.

¹² Бу ҳақда батафсил: Шейх Муҳаммад Садық Муҳаммад Юсуф. Аттестация врачевателей в Исламе. <http://islam.uз/islam/kutibxonasiomat/2012-12-05-06-28-01/1583-2012-12-28-13-07-16.html>

¹³ Ахмедов Р. Бухоро тиббиёти тарихи. Б. 2009. 19-бет.

¹⁴ Мираҳмадов У. Зийнат илми // Фан ва турмуш. 1980. № 8. 12-бет.

Масаланинг иккинчи томони – табиб даволашда зарар етказса нима бўлади?

Машхур Хаммурапи¹¹ қонунларида табиб беморни даволаса (жарроҳлик усулида) 80 г кумуш олган, лекин одамга жароҳат етказса, ўлимiga сабабчи бўлса, унинг бармоқлари кесиб ташланган. Бу борада ислом дини мукаммалиги билан ажralиб туради. Яъни, табиб беморга жароҳат етказиши ёки нотуғри даволаши катта гуноҳ ҳисобланган ҳамда унинг бўйнига катта масъулият юкланган¹². Ислом динида табибининг мафкурасига хато қилишнинг оқибати сингдирилган.

Шогирд ҳатти-харакатининг жавобгарлиги устознинг зиммасида деб тушунилган. Шогирдлик муддати узоқ давом этган. У камолга етгач, устоз бир қанча табибларни чақириб, ўзаро имтиҳон қилган, шундан сўнг мустақил фаолият бошлашига фотиҳа берган.

Табобатда сулолалар шаклланиб, даволаш сирлари отадан фарзандга, фарзанддан неварага ўтган, чунки бу билим улар учун тириклилк манбаи эди¹³. Шундай бўлса-да, табиблар ўртасида тажриба алмасиши ҳамда эришган ютуқларини тақдим қилиш каби жараёнлар мавжуд бўлган.

Беморга сирдош бўла олиш ҳамда аниқланган маълумотларни пинҳон тутиш касб маданиятининг бир қисмидир. Шунингдек, баъзида беморга қасаллиги ҳақида барча гапни очиқ айтиб бўлмайди. Касб сири ана шу қоидаларга асосланади.

Ибн Сино шундай деган: «Ҳақиқий табиб ўзининг қадр-қимматини сақлаган ҳолда даволайди ва бешарм ҳатти-харакатлардан ўзини тияди. У мана шу фикрга мойил бўлсагина кишиларни даволашга борсин. Ўз виждонини даволай олмаган киши бошқаларни даволайман деса, бундай одам энг палид одамдир»¹⁴.

Табиблар ўз ҳалқининг расм-русуми, характеристи ҳамда дунёқарашини мукаммал билгани ва унга риоя қилгани учун обруқ қозонган.

Ағфуски собиқ шўро тузуми даврида катта тарихга эга бўлган табобат анъаналари ўз обрўсими йўқотди. Бироқ у табобатга оид қадимий китоблар, халқ орасида сақланган айрим усуллар ҳамда яширин равишида авлодларга мерос қолдирилган билимлар натижасида сакланиб қолди.